# Тошкент оқшоми

**2015 йил 28 август, жума**

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 178 – 179 (12.991 – 12.992)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"

**Каршиев Хамдам Аликулович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Ташкулов Акбар Джурабаевич** — Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи

**Узаков Шухрат Шарапович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

**Улжаев Қахрамон** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Эсанова Замира Нормуротовна** — Тошкент давлат юридик университетининг "Фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал ҳуқуқи" кафедраси мудири

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:*

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Проценко Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Меҳнат шухрати" ордени билан

**Рустамов Одилхон Бакиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

### II даражали "Шон-шараф" ордени билан

**Ибатходжаев Лазизхон Казимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Акбар Абдисамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мирходжаев Азимжон Мирхосилович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Саидов Бахтиер Йигиталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Янгибоев Боходир Абдирахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

### "Дўстлик" ордени билан

**Игамова Мунира** — Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

**Каипбергенов Ерпулат Тулепбергенович** — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

**Курбанбаев Есет Джамбулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Куртбитдинов Абиджон Иноятович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Қашқадарё вилоятлараро бўлинмаси етакчи эксперти

**Очилдиев Сайфиддин Сайилович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Хабиева Гюльфия Фаридовна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси халқаро божхона ҳамкорлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

**Шевелев Антон Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бўлим катта штурмани

### "Мардлик" ордени билан

**Абдурахимов Сардор Уринбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Аминов Кудрат Абдирасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Джурабаев Фарходжон Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Нематов Элер Бахрамжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Холбеков Беҳзод Бошмонович** — Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бўлинмаси бошлиғи

**Эркинов Дониер Эркинович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Эшматов Алиер Тўхтабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*(Давоми 2-бетда)*

## ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ ВА ВАТАН ИФТИХОРИ ТИМСОЛЛАРИ

**28 август – "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони таъсис этилган кун**





Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йил 28 августда таъсис этилган "Эл-юрт ҳурмати" ордени мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, бой маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, миллий урф-одатларимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган юртдошларимизни, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ордennинг марказида, рангли йўл билан ҳошияланган доирада Регистон мажмуаси, мафтункор водий ва улуғвор тоғлар узра мовий осмон, порлаётган қуёш акс эттирилган. Бу тасвирлар Ватанимизнинг миллий давлатчилик анъаналари ва ўлмас маънавий мероси, халқимиз ўз ривожланиш йўлида аждодларнинг эзгу орзу-ниятларига собитлиги ифодасидир. Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт барпо этишда заминимизнинг бебаҳо бойликлари, унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти, бунёдкор халқимизнинг азму шижоати муҳим ўрин тутади.

Ўтган йиллар мобайнида давлатимиз раҳбарининг фармонларига асосан бир қатор ватандошларимиз ана шу юксак мукофот билан тақдирлангани, уларнинг кўксини "Эл-юрт ҳурмати" ордени безаб тургани ўз аждодларига муносиб бўлишга ҳаракат қилаётган ёш авлодда катта ҳавас уйғотади.

Президентимизнинг 2014 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ пойтахтимиздаги 1-республика клиник шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Азиз Ибрагимов ҳам "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

А.Ибрагимовнинг мутахассислиги кардиолог. У салкам қирқ йилдан буён юрак хасталикларини даволаш, реконструктив-тикловчи операциялар ўтказиш, қисқача айтганда, аҳоли саломатлигини сақлашда ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

– Клиникамизда мураккаб даволаш усуллари юқори технологиялар асосида амалга оширилмоқда, – дейди Азиз Ибрагимов. – Муассасамиз жарроҳларининг самарали фаолиятини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз ҳам тан олмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизматни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, жисмонан соғлом авлодни камолга етказишга қаратилган эзгу ишлар самараларидир.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбияга жалб этиш, ўзбек спортининг шон-шуҳратини дунёга таратаётган истеъдодли спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Ёшларимиз спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Мунтазам ўтказилаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада мусобақалари йигит-қизларни спортга ошно этиш, уларни жисмоний чиниқтириш, Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшишга қодир спортчиларни тарбиялашда катта аҳамият касб этаётир. Натижада навқирон авлод вакиллари нуфузли халқаро спорт мусобақаларида улкан ғалабаларга эришиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда. Ана шундай умидли ёшларимизни рағбатлантириш, уларни янада юксак марралар сари илҳомлантириш мақсадида "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони таъсис этилган.

Мазкур нишонда ўз ифодасини топган рамзлар ёш авлодни нуфузли халқаро мусобақаларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида Ўзбекистонимиз шон-шуҳратини дунёга кенг намоён этиш, бу йўлда чинакам матонат ва фидойилик кўрсатишга руҳлантирмоқда.

Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширишга қўшган улкан ҳиссаси учун Президентимиз фармонига кўра шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Нафиса Мўминова ҳам ушбу фахрий унвон билан тақдирланган.

Нафиса Мўминова бугун Ўзбекистон ёшларининг фахри. У қизларимиз орасида биринчи халқаро гроссмейстер, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини улуғлаб келаётган маҳоратли спортчи. Қолаверса, тенгдошлари, издош ука-сингилларига ўрнак, улар қалбидаги ватанпарварлик туйғуларининг камол топишига ҳисса қўшаётган илғор ёшлар вакили, юрт ифтихоридир.

– "Ўзбекистон ифтихори" деган юксак унвонга сазовор бўлишим мустақиллигимиз шарофатидан, – дейди Нафиса. – Шу билан бирга, ёшлар камолоти йўлида Президентимиз кўрсатаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги самарасидир. Биз, ўзбек ёшлари, ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодирмиз. Бунинг учун барча имконият, шароит яратилган.

Ҳа, ҳар биримиз учун бетакрор, ягона Ватанимиз – Ўзбекистон равнақига ҳисса қўшиш шу юрт фуқароларининг қалбида улуғ мақсадга айланган. Зеро, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш, мамлакат ифтихорига айланиш инсон учун энг олий бахтдир.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Сўз — фестиваль иштирокчиларига**

## ФЕСТИВАЛЬ ИНСОНЛАР ҚАЛБИДА МЕҲР-ОҚИБАТ, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***"Шарқ тароналари" X халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан санъат намояндалари, мусиқашунослар ва бадиий жамоалар Самарқандга ташриф буюрди. Улар Самарқандда истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар, қайта тикланган ва янада чирой очган меъморий ёдгорликлар билан танишмоқда. ЎзА мухбири меҳмонлар билан суҳбатлашди.***

**Хилде ФРАТУР, ижрочи (Бельгия):**

– Санъат оламида донг таратган машҳур "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш шарафига эришганимиздан қувончимиз чексиз. Ушбу фестиваль ва унинг очилишига бағишланган тантаналарни интернет ва ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб, анжуманнинг нуфузи ва жозибасидан ҳайратланган-дим. Ўшанда Регистон майдонида ўтказиладиган мазкур фестивалда қатнашиш орзуси пайдо бўлган эди. Орзуим ушалганидан жуда хурсандман. Мазкур фестивалда "Trio Hop" гуруҳи билан биргаликда Бельгия тарихи, маданияти, урф-одатлари, одамлари, табиати ва иқлими тўғрисида қўшиқлар куйлашни ният қилганмиз.

Самарқандни бамисоли эртаклардаги шаҳар, дейишади. Шаҳарни кезиш асносида бунга тўла амин бўлдим. Кўҳна мадраса-ю мақбаралар, тарихий ёдгорликлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, юртингиздаги тинчлик ва осойишталик, ўзбекона меҳмоннавозлик, лутфу марҳаматни кўриб, ҳавасимиз ортди.

Фестиваль доирасида турли мамлакатларнинг маданияти ва санъати билан танишиш, турфа халқларнинг наво ва рақсларидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилгани ҳам бизни жуда қувонтирмоқда.

**Ханта РАМПАРАНИ, иштирокчи (Мадагаскар):**

– Азал-азалдан санъат кишиларни эзгуликка чорлаб, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб келган. Одамлар оҳанг, мусиқа, тарона ёрдамида бир-бирларининг дил изҳорини тушунади, қалбларга йўл топади, кўнгиллар туташади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказиб, ғоят хайрли ишга қўл урган. Бу ўзбек халқининг санъатга ошуфталиги, унга бўлган чексиз муҳаббатидан дарак беради.

Биз ўнлаб миллат ва элат вакиллари орасида қадимий ва навқирон Самарқанд заминида Мадагаскар мусиқа санъати намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Бу биз учун катта шараф.

**Перси Йип ТОНГ, мусиқий директор (Маврикий):**

– Турли қитъаларда ўтказилган кўплаб мусиқа фестивалларида қатнашганмиз. Бироқ мазкур санъат анжумани ғоят юксак савияда ташкил этилгани, иштирокчиларининг кўплиги ва улар учун яратилган қулай шароит билан алоҳида ажралиб туради.

*(Давоми 2-бетда)*

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келмоқда.**

● **Бухоро давлат бадиий-меъморлик музей-қўриқхонасининг тасвирий санъат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон мустақиллик йилларида" деб номланган кўргазма очилди. 10 бўлимдан иборат ва мингдан зиёд экспонатни ўз ичига олган кўргазмада вилоят ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй берган оламшумул ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари ва уларнинг аҳамияти ўз аксини топган.**

● **Энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигининг янги маъмурий биноси ва гўштни қайта ишлаш цехи фойдаланишга топширилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Ҳинд океани сатҳидан ўн километр нарироқда — Ява оролининг жанубий қисмида кеча беш магнитудали зилзила содир бўлди.**

● **Германиянинг Кёльн шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши даврига тегишли портламай қолган минг килограммли снаряд топилди. Ҳозирда Рейн дарёси устидаги кўприклар ёпилган ва шаҳарнинг марказий қисмида транспорт ҳаракати тўхтатилган. Ушбу бомбани кечаси зарарсизлантириш мўлжалланмоқда.**

● **Индонезия маъмурлари "Атомга ўтамиз" давлат дастури доирасида Суматра оролининг шарқий қирғоғида — сейсмик жиҳатдан барқарор ҳудуддаги Банка ва Белитунг оролларида 2024 йилга келиб ўзларининг дастлабки атом-электр станцияларини қуришни мўлжалламоқдалар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

## “Жасорат” медали билан

**Абдуллаев Оқилжон Камолдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абдурасулиев Турсинбай Идаитуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Аллазов Дильмурод Тоштемирович** — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Аллаяров Фаррух Рустамбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Арапов Алибек Усеркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Астанов Санжар Саматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Мухаммад Мирзажонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Барлибаев Бахром Норжигитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бойхуджаев Гайрат Хуснидинович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Джураев Маъсуд Косимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Жумабоев Темур Махаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Жумаев Санжар Абдисаламович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Жумаев Ҳаким Хусанович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Жуманиёзов Ғуломбек Исмайилович** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

**Кадирова Дурдонахон Рустамовна** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Қўчқаров Рахмон Бурхонович** — Давлат божхона қўмитаси Наманган вилояти божхона бошқармаси “Наманган аэропорт” чегара божхона пости катта тезкор вакили

**Мамажонов Анваржон Эргашевич** — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Маматожиев Дилмуроджон Тўлқинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маъмуров Умиджон Эгамназарович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Мирзабдуллаев Шавкат Каримжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара районы бошлиғи

**Нарзикулов Содиқ Камолович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нишанов Адхам Ахмаджонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нурмаматов Зафар Мамаражапович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нуруллаев Тимур Бахриллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Разаков Бархаётжон Муротович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Расулов Нуриддин Эргашалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳ йўриқчиси

**Рахматов Бобир Ғайратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузиев Бекзод Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Рўзиев Шухрат Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сатторов Азизжон Абдусаломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сирожиддинов Зафар Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Убайдуллаев Иззатилла Файзулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Умирзаков Шухратбек Болтаходжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хаитов Бунед Товашарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳошимов Дилшод Куддусович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хусанов Тахиржан Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Чоршанбиев Дадахон Аликулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Юнусов Бекзод Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Абдурахимов Туланбой Артикович** — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Акамуродов Фарход Абдилазизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Акрамов Вохиджон Захиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Марказ бошлиғи

**Алимов Олимжон Якубджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Алламуратов Хожиакбар Файзуллаевич** — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Артиков Марат Урумбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Аскаров Анвар Алимбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Асфандияров Равиль Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати катта муҳандиси

**Атаханов Бахром Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Давронбек Юрсуналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқарманинг халқаро арбитражлар масалалари бўйича ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари

**Бабарахимов Ғуломжон Мадаминович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Байназаров Дильмурад Нурмаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Ганиев Толибжон Валижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Давлатов Бекзод Мамасолиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Дониеров Шерзод Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Дусанов Нурали Шерматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Жалолов Миркодир Мирхожиевич** — Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Илесов Махмуд Улмасович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

**Камолов Бобур Камолович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Курбацкий Алексей Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Марказ бошлиғи

**Кутлимуратов Мирза Жуллибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлиғининг ўринбосари

**Матякубов Аброрбек Низамаддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Мирзаев Сирожиддин Валиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Муратов Дониер Шодибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Муродуллаев Зоиржон Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти йўриқчиси

**Мусаев Гулямджан Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Режим ва кадрлар билан ишлаш бош бошқармаси бош мутахассиси

**Нураддинов Оринбасар Турсинбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Обидов Баходирхон Мансурхонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Рашидов Истам Багирович** — Самарқанд вилояти прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғи

**Рузматов Фарходжон Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма хизмат бош муҳандиси

**Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи

**Сатаров Умиджон Иброхимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим катта офицери

**Узаков Аброржон Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Файзиев Нуралли Фазлиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Хикматуллаев Самандар Юсуфжанович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи

**Шарипов Уктам Нормуминович** — Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

**Шорахимов Хакимжон Абдукаюмович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Институти ўқитувчиси

**Яхеев Бахтиер Турдибаевич** — Навоий вилояти прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

## “Шухрат” медали билан

**Абдуллаева Дилдора Кабилджановна** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани адвокатлар ҳайъати адвокати

**Адашбоев Бахриддин Мехриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Бабаязов Равшан Шарипович** — Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Бобожонов Отагалди** — Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси

**Боймирзаев Адхамжон Акрамович** — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Ботирова Умидахон Хамражоновна** — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани прокуратураси катта нозири

**Бурханов Илхом Халбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

**Вагнер Александр Яковлевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим катта офицери

**Гулов Дилшод Дилмуродович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

**Ельчин Евгений Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Жамалов Илхомжон Тулқинович** — Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Чортоқ тумани кенгаши раиси

**Зарипова Гаухар Сарсенбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди судьяси

**Ибрагимов Илхам Искандарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Ибрагимова Дилорам Ахмедовна** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Каримов Азамат Саъдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қоплонов Шомурод Баротович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Курбанов Мансур Нарбутаевич** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Кучкарова Дилфуза Насретдиновна** — Қашқадарё вилояти прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси

**Кучкоров Зухриддин Очилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Маликов Хаким Каримович** — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суди раиси

**Мамиталиев Муҳриддин Рахмидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби дивизион командири

**Мартинова Марина Сергеевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг молия-хўжалик бўлими бошлиғи

**Махмудов Иброхим Бустонович** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Муминов Рахматилла Холмаматович** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Мусаев Қобилжон Қаюмович** — Фарғона вилояти прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

**Мухамедов Батир Кахраманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухамедова Зебинисо Иброхимовна** — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

**Пиримкулов Элмурод Норзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат катта муҳандиси

**Попандопуло Светлана Константиновна** — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

**Разаков Ойбек Олимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Рахманова Дилрабо Шариповна** — Урганч ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Рахматов Алишер Хамедович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Рахматов Зафар Туйчиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

**Рузиев Аслиддин Иззотуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Суяров Навруз Абдакимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Тураев Саттор Туфлиевич** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Ҳайдаров Мурод Мардонович** — Бухоро вилояти Когон тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Хакимов Жамшид Мамаджанович** — Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Хакимов Мухторжон Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халилова Моҳира Садирдиновна** — Навоий вилояти Навбаҳор тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

**Хасанова Мамура Урмановна** — Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Худойкулов Фарход Эшкувватович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ секция командири

**Шойзаков Иброҳим Тиллабердиевич** — Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эргашев Восилжон Юнусович** — Фарғона вилояти Бешариқ тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Эримбетов Мансур Худайберганович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эрматов Эркинбай Каршибаевич** — Суд ижрочиларининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиғи

**Юсуфхўжаев Иззатиллахон Умидулла ўғли** — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Бош почтамт” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

**Якибжанов Хамид Гадигарбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 27 август*

# ФЕСТИВАЛЬ ИНСОНЛАР ҚАЛБИДА МЕҲР-ОҚИБАТ, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Самарқандни ер юзининг сайқали, афсонавий шаҳар деганларича бор экан. Бу заминнинг довруғи бутун оламга шу қадар кўп тарқалганки, уни кўриш иштиёқида бўлганлар сафи чексиздир. Мен ҳам шундай орзуда эдим. Орзуим амалга ошганидан жуда бахтиёрман. Самарқанддаги бетакрор тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар, кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳайратланарли. Шаҳар кўчаларини кезар эканмиз, тарих ва бугуннинг ўзаро уйғун манзараларига гувоҳ бўлдик. Ўзбек халқининг аждодлар мероси, миллий қадриятлар, анъаналарга содиқлиги таҳсинга сазовор. Одамлар чеҳрасидаги қувонч, фахр ва ифтихор, хотиржамлик юртингизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ифодасидир.

**Эдриэнс СТИВЕНС, “Native Pride Arts Dancers” жамоаси вакили (АҚШ):**

– “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш бизга катта мамнуният бағишлайди. Ушбу анжуман иштирокчилари кўплиги ва унинг юксак савияда ташкил этилгани фестивалнинг дунё миқёсида тобора ортиб бораётган нуфузидан далолатдир.

Фестивалнинг Самарқандда ўтаётганида чуқур маъно бор. Самарқанд Шарқнинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири. Бу ерга келиб буюк меъморий ёдгорликларни кўриб, бебаҳо маданиятингиз билан танишиб, шаҳар манзарасидан завқланиб, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама бойлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Самарқанддаги иншоотлар меъморчиликнинг энг мураккаб жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, юксак дид ва катта маҳорат билан барпо этилгани бизни лол қолдирди. “Афросиёб” музейида Самарқанд тарихига оид кўплаб экспонатларни кўздан кечириб, бу заминга нисбатан ҳурматимиз ва меҳримиз янада ошди.

**Рашми АГАРВАЛ, “Sufi Music” гуруҳи раҳбари, “Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивалининг Гран-при соҳиби (Ҳиндистон):**

– 2013 йилда ушбу машҳур халқаро фестивалнинг энг юксак совринига сазовор бўлган эдим. Бу воқеа ҳаётим ва ижодимдаги энг бахтли ва унутилмас онлар сифатида хотирамда муҳрланиб қолган. Бу галги иштирокчиларнинг чиқишларини томоша қилиб, икки йил аввал ўзимда ҳис қилган чуқур ҳаяжон ёдимга тушяпти.

Жаҳон мусиқа санъати ва турфа халқлар маданиятини намоён этиш, турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарини, уларнинг қалбларида аҳиллик ва бирдамлик каби эзгу фазилатларни мустаҳкамлашга имконият яратаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан ғоят миннатдормиз. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган, дунёда тинчлик ва тотувликни таъминлашга улкан ҳисса қўшаётган бундай хайрли ишлар мамлакатингизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда санъатни ривожлантириш ва тарғиб этиш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлардан ўрнак олса арзийди.

**Илга РЕЙЗНИЭСЕ, “Илги” гуруҳи аъзоси (Латвия):**

– Самарқандга келишимиз билан “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг нечоғли нуфузли ва йирик анжуман эканини яна бир бор ҳис этдик. Бу ерда иштирокчиларга кўрсатилаётган иззат-икром таҳсинга лойиқ. Фестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари учун барча шароит яратилган. Бу мамлакатингизда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ижод аҳлининг фаолияти учун кенг йўл очиб берилганидан далолатдир.

Жаҳонаро шуҳрати ошиб бораётган ушбу санъат анжуманида ўз ижодимизни намойиш этиш биз учун катта шараф. Танловда скрипка, кокле, мешли найчалар, гитара, электр бас ва зарбли чолғулар уйғунлигида ижро этиладиган, қадимий ва бир вақтнинг ўзида замонавий мусиқий услубларни жамлаган куй-қўшиқларимиз барча ёшдаги томошабинлар кўнглидан жой олади, деган умиддамиз.

Фестивалда қатнашиш асносида Шарқ гавҳари бўлмиш Самарқандни, унинг дунёда ном таратган бебаҳо меъморий обидаларини томоша қилиш имконига эга бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Бу шаҳарнинг ҳар бир қарич ери тарихий ва гўзалдир. Замонавий ва миллий руҳни уйғунлаштирган ҳолда бунёд этилган муҳташам иншоотлар ва кўркам биноларни, серфайз хиёбон ва сайилгоҳларни томоша қилиб тўймайсан киши. Айниқса, бетакрор Регистон ансамбли қалбимда шу қадар катта ҳайрат уйғотдики, ҳисларимни таърифлашга сўз тополмайман.

**Элиассе Бен ЖОМА, “Элисоума” гуруҳи аъзоси (Комор ороллари):**

– Бу оламда миллат ва элатлар кўп. Уларнинг санъати, маданияти ва урф-одатлари ҳам турлича. Бироқ ўзбек куй-қўшиқларининг жаҳон мусиқа санъатида алоҳида ўрни бор. Миллий чолғу асбобларингиз – дутор, рубоб, доира, най, карнай ва сурнайда маромига етказиб чалинадиган куйлар ҳар бир инсоннинг қалбидан чуқур жой олиши шубҳасиз.

Биз “Шарқ тароналари” фестивалига пухта тайёргарлик кўриб, махсус дастур тайёрлаб келдик. Регистондек сеҳрли ва муаззам майдонда куй-қўшиқ ижро этиш ва тинглаш кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлар экан. Ўзбекистонда ўтказилаётган мазкур санъат байрами одамлар ўртасида дўстликни, ўзаро ҳамкорликни, қалбида меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу ҳисларни уйғотишга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ажойиб мусиқа анжумани ташаббускори бўлган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, фестиваль ташкилотчиларига чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

**Истиқлол, ислоҳот, истиқбол**

*Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, бу — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дея таъкидлаймиз.*

*Ислом КАРИМОВ*

# КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК:

# ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз ҳисобланади.**

**Тинчлик ва хотиржамлик ўз-ўзидан қўлга кирган эмас.** Бунинг учун давлат ва халқ бирлигига эришиш, тинчликпарвар сиёсат юритиш, давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳамиша аҳолининг турмуш шароитини яхшилашни ўйлаш, жамиятда ҳамманинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиромни кучайтириш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини яратиш, маънавият ва маърифатни кучайтириш, огоҳ бўлиш, бунинг учун эса аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва кўпдан кўп соҳаларда самарали фаолият олиб бориш зарур.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг ўз овози ва мавқеига эга бўлган ушбу нуфузли ташкилот олдига муҳим ва долзарб масалаларни қўйиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йили бўлиб ўтган 48- ҳамда 1995 йил октябрида ўтказилган 50-сессияларида сўзлаган нутқи бунга ёрқин мисол. Президент Ислом Каримов “Марказий Осиё – ядровий қуролдан холи зона” ғоясининг ташаббускори ҳисобланади. Юртбошимизнинг қўшни Афғонистонда кўп йиллардан бери юз бераётган мураккаб вазиятни фақат сиёсий йўл билан ҳал қилиш ҳақидаги ғояси ҳамон долзарблигича турибди. **Ўзбекистон – айнан тинчликсевар сиёсати билан ҳам жаҳон ҳамжамиятида алоҳида обрўга эга.**

Президент Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитларидаги нутқларида бир неча бор халқаро терроризм, айирмачилик (сепаратизм), экстремизм ва тобора авж олиб бораётган наркотик тажовузига қарши курашнинг муҳим марказига айланаётганини алоҳида таъкидлади, Афғонистонда ҳали-ҳануз давом этаётган мураккаб вазиятга тўхталди. Унинг қатъий нуқтаи назарига кўра: **“...Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлини ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш кўламини янада кенгайтиришдан эмас, балки қуролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида лойиҳаларни, биринчи навбатда, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисини қўллаб-қувватлашдан излаш даркор”.**

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бормоқда. **Биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ошди.**

Булар мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишларимизнинг мантиқий натижаси саналади. Биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони шуки, бунинг замирида, биринчи навбатда, тинчлик-осойишталик, халқимизнинг фидокорона меҳнати ётибди. Шу тариқа мустақиллик йилларида одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бормоқда.

**Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилаётир. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллади.**

Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динини, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

**Башарият тарихида исботланган бир қоида шуки, халқи хотиржам мамлакатда тинчлик барқарор бўлади.** Истиқлол йилларида одамларни рози қилиш, уларнинг яхши яшашига эришиш сиёсати юритилди. Буни тўла ҳис этиш учун бугунги фаровон ҳаётимизни кечаги мустабид тузум ҳукмронлик қилган даврга солиштиришимиз керак.

1990 йили мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган. *“Қўлдан берганга қуш тўймас”*, – дейди доно халқимиз. Бу бежиз эмас. Куни фақат импортгагина қараб қолган соҳада, биринчидан, товарларнинг нархи қимматлашади, иккинчидан, унинг ўзи камчил бўлади. Шўро даврида айнан шундай эди.

**Ўзбекистон раҳбарининг 1990 йил 4 июндаги нутқида тилга олинган мана бу маълумотлар – ҳозир ҳам аҳамиятли, чунки улар истиқлолдан олдинги аянчли аҳволимизни кўз ўнгимизга келтиришимизга ёрдам беради:**

“...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. ...Ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса – Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

*Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти”.*

**Мамнуният билан қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларининг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайди. Булар эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи эмасми?**

Истиқлол йилларида харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётир. Бу айни борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси ҳисобланади, албатта.

**Тинчлик пировард натижада фаровонликка асос бўлиши керак. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқ”.**

Фаровонликнинг ўз мезонлари бор. Масалан, кексалар сони ҳам фаровонликнинг бир белгиси ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида пенсия ёшидагилар сони мамлакатимиз аҳолисининг 7,2 фоизини ташкил этган. Ҳозир бу кўрсаткич 9,3 фоизга етди. Бу умр кўриш даражаси ошганлигини кўрсатади. Кексалар – амалда халқнинг бойлиги. Чунки улар катта тажрибага эга. *“Қари билганни пари билмайди”*, дея бежиз айтилмаган. Бу йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши, махсус Дастур асосида бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлар амалда ҳаётимизни янада мазмунли ва фаровон қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: **“Биз танлаб олган, машҳур беш принципга асосланган тадрижий, эволюцион тараққиёт модели нақадар ҳаққоний ва самарали эканини биз барпо этаётган янги демократик тизим мисолида, иқтисодиётимиз 5 баробардан зиёд ошиб, аҳолимизнинг даромадлари қарийб 9 марта ўсгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси мутлақо ўзгариб, гуллаб-яшнаб бораётганида, халқимизнинг эртанги кунимизга ишончи тобора ошиб бораётганида кўриш, кузатиш қийин эмас”.** Фақат ўтган 2014 йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, аҳолининг реал даромадлари 10,2 фоизга кўпайди.

Бу ютуқлар замирида халқнинг жонкуярлик билан қилган меҳнати ётибди. Зеро, халқнинг эмин-эркин яшаши, самарали меҳнат қилиши, бунёдкорлик ишларини амалга ошириши, яратувчанлигини намоён этиши учун ҳам мамлакатда осойишталик таъминланган бўлиши зарур. Буни халқимиз теран англайди.

**Ахир, эътибор беринг, дуо қилаётганда боболаримиз-момоларимиз нима деб ният қилади? Яратгандан биринчи нима сўрайди? *“Юртимиз тинч бўлсин!”* – дейди. *“Осмонимиз мусаффо бўлсин!”* – дейди. Бу дуолар таг-замирида шарқона шукроналик ҳисси ҳам ётгани ҳеч кимга сир эмас.**

Қанчадан-қанча ўзбек халқ мақоллари юртда тинчликни мустаҳкамлаш ғоясини илгари суради.

**Мамлакат – маҳаллалардан иборат. Юрт тинч бўлиши учун, аввало, ҳар бир маҳалла тинч бўлиши керак.** Маҳалла – бизда ўзини ўзи бошқаришнинг қадимий миллий тизими. Бу тизим ўтган асрларда мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида шаклланган. Аммо, очиғини айтганда, дунёнинг бирор-бир мамлакатида маҳаллачалик анъаналари айнан биздаги даражада кенг қулоч отган, аҳоли турмушининг ич-ичига сингиб кетган эмас.

**Шўро даврида халқимизнинг ана шундай маҳалла бўлиб яшашдек муқаддас қадриятига беписанд муносабатда бўлинган. У фақат фуқароларга маълумотнома ёзиб берадиган идорагагина айлантириб қўйилган эди. Истиқлол йилларида биргина Тошкент шаҳри маҳаллаларини ривожлантириш борасида амалга оширилган самарали ишларни эслашнинг ўзи мамлакатда бу тизим қанчалар муҳим ижтимоий ҳалқага айланганини намоён этади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларига ўзини ўзи бошқариш органлари мақоми берилган. Айнан маҳалла тизими орқали ҳам мамлакат халқи ўзига хос умумий бир менталитет ҳосил қиляпти. **Эътибор берган бўлсангиз, бугунга келиб бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам тўй-маъракаларида ўзбекона ош тортяпти. Бу тадбирларни эса маҳалла-кўй иштироки ва кўмагисиз ўтказишнинг асло имкони йўқ.**

Шаҳримиздаги мавжуд 11 туманда жами 476 та маҳалла бор. Баъзи маҳалла фуқаролар йиғини атрофида 10 минг кишилик ҳудуд бириккан. Маҳалла – бугун ҳам ўзини ўзи бошқариш органи, ҳам ижтимоий ҳимояни ташкил этиш механизми, ҳам чинакам тарбия мактаби. Энг муҳими, маҳаллалар юртимизда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғояларини ҳаётга татбиқ этишнинг дунёдаги энг олий намунасини кўрсатиб келяпти.

Ўзбекистон аҳолисини турли ёшдаги фуқаролар ташкил этади. **Биз, аввало, ёшлар мамлакатимиз. Ёшлар тарбияси биз учун бош масалалардан бири. 2014 йил 6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилингани ҳам шундан далолат беради.**

Шу йил бошидаги холатга кўра, мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. **Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар – шунга эътибор беринг – 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда.** 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши, шу муносабат билан махсус Давлат дастури қабул қилиниб, у изчил ижро этилаётгани ҳам амалда юртимиздаги тинч-фаровон ҳаёт маромидан далолат беради.

**Ўзбекистонимиз – кўп миллатли мамлакат. Миллатларнинг кўплиги – жамиятнинг ютуғи. Ҳеч бир миллат ўз қобиғига ўралиб олиб тараққий этган эмас. Миллий равнақ ҳамиша ўзаро алоқанинг ширин ҳосиласи сифатида намоён бўлади.**

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кўп асрлар мобайнида, ўзбеклар билан бирга, бошқа миллат ва элат вакиллари яшаб келган. Байналмилаллик бизнинг қонимизда бор. Мамлакатимиздаги айрим этник қавмларнинг кўпи бу юртга қачон келгани ва бу ерда қайси асрдан бери яшаётганини ҳам аниқ билмайди. Уларнинг Ватани – Ўзбекистон.

**Чор истилоси, хусусан, шўро замонида турли-туман омиллар асосида миграциявий жараёнлар кучайди. Республикамизда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар сони юздан ошди. Ўзбекистон амалда дунёнинг кўпмиллатли маконларидан бирига айланди. Бу ерда миллий маданиятлар яқинлашуви, ўзаро алоқа ва таъсир учун қулай имконият яралди.**

**Ҳозирги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг бари – шу юрт фарзанди, ватандошимиз, Ўзбекистон Республикаси фуқароси.**

Мустақилликнинг илк лаҳзаларидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси сиёсатида миллатлараро тенглик ва тотувлик ғояси маҳкам ушланди. Кўп ўтмай бу умуминсоний тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида қатъий қилиб қайд этилди.

“Муқаддима”сидаёқ Асосий Қонунимиз *“республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб”, “фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида”* қабул қилинаётгани айтилган.

**8-моддада: *“Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”*, – дейилади.**

**“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

***Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.***

Демак, фуқаронинг қайси миллатга мансублиги унинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қила олмайди.

Ҳозир мамлакатимизда 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида умумий таълим мактаблари мавжуд. Шу мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар мамлакатимизнинг ўзида тайёрланиб, чоп этилади. Мамлакатимизда ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ ва инглиз тилларида матбуот нашрлари мавжуд.

1992 йили Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилган. Шу йиллар мобайнида унинг атрофида турли миллий маданий марказлар уюшган ҳолда фаолият олиб боряпти. Бу марказлар ўз миллатларининг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш, янада ривожлантириш бўйича фаол иш юритяпти. Умумхалқ байрамларни нишонлашга бағишланган тантаналарнинг деярли ҳеч бири мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг куй, қўшиқ ва рақсларисиз ўтмайди.

*Ўзбекистонда ўзига хос бир миллий менталитет юзага келган,* десак, муболаға бўлмайди. Чунки, ўз-ўзидан, миллат миллатга, маданият маданиятга таъсир ўтказади. Шу тариқа ҳар бир миллий маданият амалда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигидан иборат бўла боради.

**Динлараро бағрикенглик сиёсатининг ҳам мамлакатда тинчлик-тотувликни таъминлашда алоҳида ўрни ва аҳамияти бор.**

**Миллатимиздан қатъи назар, шу Ватан тақдирига барчамиз бирдек масъулмиз. Чунки, Президентимиз алоҳида шиор тарзида ўртага ташлаганидек: *“Шу азиз Ватан – барчамизники!”***

Президентимиз сўзбошиси билан 2000 йили чоп этилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: **“Муайян мамлакатга ном берган (титул) миллат билан унда яшайдиган бошқа халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Аксинча, бу ғоянинг аҳамиятини тушуниб етмаслик жамият ҳаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин”.**

**Бугун биз ўта таҳликали ва қалтис замонда яшаяпмиз. Ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз сув ва ҳаводек зарур.** Миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш – бугун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз даркор.

**Ўзбекистоннинг халқаро майдонда яқин ва узоқ қўшниларимиз билан олиб бораётган дўстона алоқаларини, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз теран англашимиз лозим.**

Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсати муайян қатъиятларга суянади. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек: **“Юзага келадиган қарама-қаршиликни, низоларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга йўл қўймасликдир. Ҳар қандай тўқнашув, ҳар қандай қарама-қаршилик, ҳар қандай зиддият, авваламбор, тинчлик йўли билан ҳал этилиши керак. Мустақил давлатларнинг мустақиллигига зиён етказмаслик керак. Зўравонлик йўли билан, куч ишлатиб, бу масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Агар уруш-жанжал бошланадиган бўлса, унинг охири кўринмасдан қолади”.**

Мамлакатимизда юритилаётган тинчликсевар сиёсатни эл-юртимиз тўла қўллаб-қувватламоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг мана бу фикрлари – амалда халқнинг дилидаги гаплардан иборат: **“Халқимиз хотиржам бўлсин – Ўзбекистон бундай баҳслар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қон тўкишга қаратилган уринишларга асло қўшилмайди ва бундай ҳаракатлар остонамизга етишига биз асло йўл қўймаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам етади, қудратимиз ҳам етади, керак бўлса, ақлимиз ҳам етади, десам, ўйлайманки, одамларимиз менинг гапларимни тўғри тушунади ва тўғри англайди”.**

**Ҳа, чиндан ҳам, тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик – энг катта бойлигимиз.**

**Бу бойликни бизга мустақиллик берди.**

**Бунинг учун шукр қилишимиз лозим.**

**Бунинг қадрига етишимиз керак.**

Юртимиз равнақи учун **ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ** йўлида амалга оширилаётган эзгу ва улуғвор ишлардан барчамиз ғурурланамиз ва фахрланамиз.

**“Истиқлол”, “ислоҳот”** ва **“истиқбол”** деган бу уч буюк сўз моҳиятида улкан теран ва кўп маънолар бор.

**Шахснинг жамиятдаги ўрни — беқиёс. Шундай замонлар келдики, бутун бир халқ бир буюк шахс тимсолида майдонга чиқди. Чунки у дадил туриб, халқни ёруғ келажак сари етаклади.**

Президент Ислом Каримов жамиятнинг мустамлакадан — мустақилликка; мустабидликдан — озодликка; қолоқликдан — илғорликка; аграр давлатдан — саноати ривожланган мамлакатга; тоталитаризмга асосланган бюрократик тузумдан — демократик тамойиллар устувор бўлган жамиятга; тепадан туриб тузиладиган режа билангина иш кўрадиган ишлаб чиқаришдан — бозор муносабатлари, яъни ўзаро рақобат асосидаги ривожланишга; якка мафкура ҳукмрон жамиятдан — кўппартиявийликка асосланган жамиятга; маънавий пароканадаликка юз тутган жамиятдан — маърифатли жамиятга; кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишига қатъий киришди ва бу борада улуғвор ишлар амалга оширилди. **Юртбошимиз шу тариқа Ўзбекистоннинг БУЮК КЕЛАЖАГИНИ бунёд этиш йўлида халқимиз ва Ватанимизни олам аро машҳури жаҳон қилди.**

**Юз йиллар ўтар, минг йиллар кечар, шу муқаддас заминда одамзод яшар экан, келажак авлодлар айнан ИСТИҚЛОЛ даврини, хусусан, унинг ТАШАББУСКОРИ, РАҲНАМОСИ, АСОСЧИСИНИ ҳамиша буюк куч, юксак адолат тимсоли сифатида қадрлайди ва эътироф этади.**

**Олим МАҲМУДОВ**

Реклама ўрнида









Реклама ўрнида




«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
қадрли юртдошларимиз ва банк мижозларини
муқаддас ва бетакрор Ватанимиз
Мустақиллигининг 24 йиллик
байрами билан қутлайди!

*Шундай шодиёна кунларда барчага тинчлик-омонлик, бахту саодат, оилавий хотиржамлик, озод Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ва яратувчилик ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.*
*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*
*Байрамингиз муборак, азиз ватандошлар!*



O'ZSANOATQURILISHBANK

Хизматлар лицензияланган

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

UZTELECOM

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни Истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллиги байрами билан самимий муборакбод этамиз. Кексаларни эъзозлаш йилида юрт тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Ҳамиша дилларингиздан шодлик, хонадонларингиздан файзу барака аримасин.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"АК
"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



"ИФФАТЛИ КЕЛИН" ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини файз-тароват ила кириб келаётган Энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг қутлуғ 24 йиллиги шодиёналари билан чин қалбдан қутлайди!*







*Келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бўлиб, ҳунарли ўғил-қизларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.*

"2 - АВТОБУС САРОЙИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



барча ҳамюртларимизни Энг азиз ва энг улуғ байрам Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан табриклайди.
Халқ фаровонлиги, она Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.
Тинчлигимиз барқарор, мустақиллигимиз абадий, истиқболимиз ҳамиша порлоқ бўлсин!

Реклама ўрнида









***Юртимизда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан пиру бадавлат нуронийларимизнинг ҳолидан хабар олиниб, турли хил маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

## ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Республикамиздаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга сафарлар уюштирилиши ҳам нуронийларимизни мустақиллик йилларида амалга оширилган ўзгаришлардан бохабар этиш мақсадида ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида умргузаронлик қилаётган меҳнат фахрийлари ва кексалар учун Самарқандга саёҳат шу мақсадда ташкил қилинди. Ҳурматга сазовор кексаларимиз туристлар учун мўлжалланган замонавий автобусда кўҳна шаҳарга етиб бордилар.

Қариялар, Регистон майдонини томоша қилиб, учта катта – Тилла Кори, Шердор ва Улуғбек мадрасалари мажмуаси билан танишишди.

Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида яшовчи кексалар Темурийлар даври тарихи билан боғлиқ кўҳна шаҳар кўчаларини сайр қилиш баробарида Имом ал-Бухорий мақбарасини ҳам зиёрат қилишди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан тиклаб ободонлаштирилган ушбу тарихий-маданий мажмуалар минг йиллик тарихга эга юртимизнинг кўркига кўрк қўшаётганини алоҳида таъкидлашди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

Қиш — тайёргарликни ёқтиради

## РЕЖАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Олтин куз ўлкамизга эшик қоқмоқда. Ҳадемай қиличини қайраб қиш ҳам кириб келади. Қишга тайёргарлик қанча олдиндан бошланса, шунчалик самарали бўлишини ҳисобга олган ҳолда шаҳримиздаги корхона, ташкилот, муассасаларда қишга тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган.***

Жумладан, шаҳримиздаги "3-автобус саройи" акциядорлик жамиятида ҳам бу борадаги ишлар режали тарзда амалга оширилмоқда. Чунончи, автокорхона раҳбари в.в.б. Абдужалил Азизовнинг "Автобус саройида 2015-2016 йиллар кузқиш мавсумига тайёргарлик тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ барча мутасадди ходимларнинг вазифалари белгилаб олинди.

Аввалambор, кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёргарлик кўриш масалалари автосарой ишчи-техник муҳандислари ўртасида муҳокама қилиниб, ўтган мавсумда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни такрорламаслик учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра автосаройда қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ишларининг бажарилишини назорат этувчи штаб тузилди. "Техник хизмат кўрсатиш режа-жадваллари"га асосан ҳаракат таркибларини тўла ҳажмда мавсумий кўрикдан ўтказиш 28 августгача, иссиқлик ва электр тизими, иссиқлик таъминоти воситалари ва электр жиҳозларининг таъмирланиши ҳамда ўз вақтида синовдан ўтказилишини 1 октябргача таъминлаш белгилаб олинди. Шунингдек, ҳаракат таркиблари, айниқса "Мерседес-Бенц" русумли автобусларда иссиқ ҳаво тизими текширилиши, тузатилиши, салондаги иситиш печларининг созлиги ва бутлигини таъминлаш ҳам режалаштирилди. Бундан ташқари, автосарой ҳудуди, ишлаб чиқариш цехлари, участкаларининг тозалиги ва кўкаламзорлаштиришга жавобгар масъул шахслар тайинланди.

Бундай режали ишларнинг самарасини эса қиш фаслида кўрамиз.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАЙВОНЛАРНИ КАРАНТИНГА ҚЎЙИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 335-модда), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги "Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 202-сонли қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 28-сон, 290-модда) мувофиқ, одам ва ҳайвонлар орасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, давлат ветеринария инспекторлари масъулияти, иш самарадорлигини янада ошириш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 1 апрелдаги 39-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Тошкент шаҳар ҳокимининг, қонунларнинг хаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини ишлаб чиқиш режасининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармасининг мурожаатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳрида ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси (Р.Ҳасанов), Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Ж.Мирзамуҳамедов), Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (Б.Мамажонов):

Тошкент шаҳрида ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларининг бузилишининг олдини олиш бўйича назорат кучайтирилсин;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини бузган ҳолларда уларга нисбатан ўрнатилган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилсин.

мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш мажмуаси ва Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Р.Ҳасанов зиммаларига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р. Усманов**

*2015 йил 25 август*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

"101"

## ГАЗ ВА ЭЛЕКТР МАНБАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

***Соҳа ходимлари томонидан носоз печ ва газ пилиталаридан фойдаланиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши, хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилишига қарамай ҳамон ёнғинлар содир бўлмоқда. Хўш, ёнғиннинг келиб чиқишига ким кўпроқ айбдор?***

Албатта, бу саволга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига беписанд муносабатда бўлаётган фуқаролар дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида белгиланган бўлиб, уларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари шартлиги кўрсатилган. Афсуски, қонунни билмаслик, билган тақдирда ҳам унга амал қилмаслик оқибатида жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Бектемир туманидаги бир қанча хонадонларда ёнғин содир бўлди. Шу даврда ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўйилгани учун 42 та баённома тузилди ва чора кўриш учун тегишли ташкилот ҳамда идораларга тақдим этилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан белгиланган жарималар миқдори эса салкам 3 миллион сўмни ташкил этди.

Туман ИИБ ЁХБ ходимлари аҳоли яшаш жойларида бўлиб, хонадонларда газ ёқилғиси ва электр қувватидан қонуний фойдаланишни таъминлаш, ёнғинларга олиб келувчи хатти-ҳаракатларга барҳам бериш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширишмоқда. Хусусан, ҳудуддаги кўча, мавзе ва маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, ундан кўзланган мақсад-вазифалар ҳақида маърузалар қилинмоқда.

Бундан ташқари, қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган рейд-текширувлар олиб бориляпти. Бу тадбирлар мобайнида ҳар бир фуқаро ўз мулкини ёнғиндан асрай билиши, бунинг учун эса тегишли қонун-қоидаларни пухта билиб, уларга қатъий амал қилиши лозимлиги тушунтирилмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг бари "тилсиз ёв"нинг олдини олишга қаратилган.

**Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,**
**Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори,**
**сержант**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржадан ташқари электрон савдоларга таклиф этади!*
*2015 йил 5 октябрда "ELSIS-SAVDO" акциядорлик жамияти томонидан биржадан ташқари электрон савдоларига қуйидаги жамиятларнинг давлат акция пакетлари қўйилади:*

| № | Эмитент номи | Юридик манзили | Фаолият ихтисослиги | Акция пакети фоизи (%) | Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона | 1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм | 1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм | Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм | Савдо ташкилотчиси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "IPAK YO'LI BANK" АЖ | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қирқ қиз кўчаси, 2-уй | Банк иши | 0,61 | 4 559 876 | 100 | 707,55 | 3 226 300 000 | "ELSIS-SAVDO" АЖ |

Қўшимча маълумотлар учун: "ELSIS-SAVDO" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-21-82, 236-06-31. elsavdo@.mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳкўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Яшнобод туман ФҲДЁ бўлими мудираси Зулайхо Камолходжаевага падари бузруквори

**ОДИЛ** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ўрнида















# ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан тумандаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинида мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Икки авлод учрашуви" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.***

Тадбирда кўп йиллик тажрибага эга меҳнат фахрийлари ҳамда шижоатли ёшлар қатнашди. Жажжи қизалоқлардан ташкил топган "Маликалар" рақс гуруҳи тадбирни миллий рақс билан очиб берди.

Маҳаллада истиқомат қилувчи 48 йил давомида таълим соҳасида фаолият юритган Оксана Михайлова ва бошқалар сўзга чиқиб, барчани кириб келаётган Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан муборакбод этишди. Шунингдек, келажаги буюк юртимизнинг барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари мустақиллигимиз туфайлиги эканлиги, тинч-осойишта ҳаётимизни асрабавайлаш муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари миллий спорт тури бўлмиш кураш бўйича кўргазмали чиқишлар намойиш этишди. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ёшларга маҳорат дарслари ўтишди.

Тадбир давомида кексаларимиз ва ёшлар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақа ҳам қизғин тарзда кечди. Ёшларимиз нуронийларимиздан ҳаётий сабоқ олиш билан бирга спорт кўникмаларини оширишди. Тадбир сўнгида фаол иштирок этган ёшларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

***Юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ маърифат ва маънавият тараққиёт мезони деб қатъий белгиланган. Зеро, азалдан юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълим ва маънавиятни ривожлантириш муҳим масалалардан бири бўлиб келган.***

# БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Яккасарой туманида жойлашган 144-сонли умумтаълим мактабида "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Халқ таълими бош бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг вояга етмаган ёшлари учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилди.

— Ушбу оромгоҳни ташкил этишдан мақсад ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маънавий тарғибот тадбирлари орқали уларнинг билим савиясини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизматининг етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Бу ерда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини тиклаши, маънавиятини бойитиши учун зарур шароитлар яратилди.

Мазкур оромгоҳга шаҳримизда истиқомат қилувчи 200 нафар вояга етмаган ёшлар жалб этилиб, психологик семинар-тренинглар, ижодкорлар билан учрашувлар, бадиий фильмлар намойиши, маданий дастурлар, турли спорт мусобақалари ўтказилди. Ўйлаймизки, ўғил-қизлар учун "Болалик синовлари" ва "Шунқорлар" бадиий фильмларининг намойиши ва ижодкорлар билан учрашув, "Камалак шоу" маданий, эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастурлари, ёшларни оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш мақсадида ўтказилган турли спорт мусобақалари, "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзусида ва "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз" шиори остидаги семинар-тренинглар, "Заковат" интеллектуал ўйинлари, шаҳримизда жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Маърифат маркази мажмуасига ташрифлар уларнинг маънавиятини янада бойитиб, келгусида муносиб фарзандлар бўлишига хизмат қилади.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги ташкилотларда мавжуд бўлган "Карт" русумли спорт микроавтомобиллари ва спорт мотоцикллари кўргазмаси ҳам ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Масъул ходим ва мураббийлар томонидан спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, "Карт" русумли спорт микроавтомобиллари ва мотоциклларининг техник кўрсаткичлари ва имкониятлари, бу соҳада эришилган ютуқлар тўғрисида қатнашчиларга маълумотлар берилди. Спортчиларнинг спорт автомобили ва мотоциклдаги кўргазмали чиқишлари, пневматик милтиқдан ўқ отиш мусобақаси иштирокчиларга манзур бўлди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг билим олиши ва ҳар жиҳатдан соғлом бўлиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунга мисол тариқасида оромгоҳга келган Маҳлиё Тўрабоевани олиш мумкин. Маҳлиё фан олимпиадаларида кўп бор иштирок этиб, муносиб ўринларга сазовор бўлган.

— Мен Бектемир туманидаги 293-сонли умумтаълим мактабининг битирувчисиман, — дейди Маҳлиё. — Ушбу оромгоҳда вақтимиз мазмунли ва мароқли ўтди. Бу ерда тенгдошларимнинг қизиқишларига қараб барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Тадбирларда фаол иштирок этган ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зафар НАЗАРОВ**

Спорт янгиликлари

# СЛОВАКИЯГА БОРАДИГАН ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2016 йилнинг январь ойида Қатарда ўтказиладиган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатига тайёргарлик кўриш учун 28 август куни Словакияга йўл олади.***

Олимпия терма жамоасининг бош мураббийи Виктор Жалилов ушбу мусобақага борадиган футболчилар рўйхатини маълум қилди. Словакиядаги халқаро турнирда иштирок этадиган жамоа таркибидан қуйидаги футболчилар ўрин олган: дарвозабонлар – А. Турсунбоев, А. Абдужалилов, ҳимоячилар – С. Раҳмонов, Б. Йўлдошев, Д. Турсунов, Ж. Мирабдуллаев, А. Комилов, М. Фомин, С. Раҳматуллаев, ярим ҳимоячилар – Д. Туропов, О. Шукуров, Ж. Абдумўминов, Н. Павленко, Ж. Машарипов, М. Ражабов, И. Алибоев, Қ. Рўзиев, Д. Ҳамдамов, ҳужумчилар – Т. Ҳакимов, Ж. Ҳакимов, Ш. Достонов, М. Бобожонов, З. Ўринбоев.

Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз турнир давомида Словакия, Саудия Арабистони, Иордания ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари каби кучли олимпия терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXIV миллий чемпионатининг 20-тур баҳсларидан сўнг пешқадам "Пахтакор" муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.***

# ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Ғузорда "Шўртан" меҳмони бўлган тошкентлик футболчиларга муросасиз, шиддатли кечган беллашувда ғалаба насиб этмади. Биринчи бўлимда дарвозалар дахлсиз қолган бўлса, иккинчи бўлимда дастлаб ҳисоб мезбонлар томонидан очилди. Кейин ҳужумга зўр берган меҳмонлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Голга Оравац муаллифлик қилди. Шу куни "Пахтакор" Ғузордан ғалаба билан қайтиши мумкин эди. Меҳмонларнинг ҳужумини қайтариш чоғида жарима майдончаси ичида "Шўртан" ҳимоячилари қоидани бузишди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Станислав Андреев голга айлантира олмади.

Турнир жадвалида иккинчи ўринда бораётган "Локомотив" эса Тошкентда "Динамо" билан кечган муросасиз учрашувда 2:1 ҳисобида зафар қучди ва "Пахтакор"дан энди бир очкога ортда қолмоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Навбаҳор" — "Бунёдкор" — 0:1, "Металлург" — "Сўғдиёна" — 1:2, "Машъал" — "Нефтчи" — 2:1, "Қизилқум" — "Насаф" — 1:2, "Бухоро" — "Андижон" — 2:1, "Қўқон-1912" — "Олмалиқ" — 0:1.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Тошкент вилояти Зангиота туман ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, Ҳасанбой қишлоғи ҳудудида жойлашган умумий майдони 364 кв. метрга тенг бўлган бетон қоришма узели бино-иншоотлари.

Бошланғич нархи – 493 309 113 сўм 93 тийин.

Балансда сақловчи: Тошкент вилояти Зангиота туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

**Аукцион савдоси 2015 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 19 октябрь, 2, 16, 30 ноябрь, 15, 29 декабрь, 2016 йил 13, 27 январь, 10, 24 февраль, 10, 25 март, 8 апрель кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**


**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 август** ва **30 август** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Кўргазмалар

# МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР

***Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида санъатшунос ва фото рассом Нодир Норматовнинг "Меҳр қолур, муҳаббат қолур..." деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.***

Муаллиф мазкур кўргазмасини Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Аҳмаров ва Рўзи Чориевлар хотирасига ҳамда қалби меҳру муҳаббатга тўла замондошларига бағишлади.

Нодир Норматовнинг фотосуратларида уларнинг бунёдкорлиги, турли маросимлар ва тантаналарда иштироклари, дўстлар даврасидаги самимий мулоқотлари, юрт манзаралари билан муштарак ҳаётий лавҳалардан воқиф бўласиз. Кўргазманинг бош мавзуси юртимизнинг пиру бадавлат отахононахонларидир. Муаллиф сўнгги ўн йил ичида республикамизнинг турли вилоятларида ҳамда олис чекка қишлоқларида бўлиб, кўплаб фотосуратлар олган. Улар орасида бадиий фотога мос қилиб олинган замондош қариялар ва онахонлар портретлари санъат ихлосмандларининг диққатига сазовор бўлди.

Бугунги кунга келиб Тошкент шаҳри ва республикамизнинг кўплаб вилоятларида муаллифнинг 30 га яқин фотокўргазмалари ташкил этилган.

Нодир Норматов юзлаб ўзбек мусаввирлари ҳамда халқ усталари ижодини, жаҳон тасвирий санъат намуналарини ўз мақола ва эсселарида тарғиб-ташвиқ этган. Юздан ортиқ илмий ва оммавий китобларга муҳаррирлик қилган. Санъат аҳлига бағишланган ўттизга яқин ҳужжатли фильмлар сценарийси ва матнлари муаллифи.

Жумладан тасвирий ва амалий санъат арбоблари, халқ усталари тўғрисидаги яратилган йигирмадан ортиқ ҳужжатли фильмлар муаллифи ҳамдир.

Кўргазмада Нодир Норматов сценарийси асосида суратга олинган "Чингиз Аҳмаров" номли ҳужжатли фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Н. Пўлатова режиссёрлигидаги мазкур фильм Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида суратга олинган. Унда устоз санъаткорнинг ҳаёти ва ижодий йўли, маҳобатли суратлари, улкан мероси ҳақида қизиқарли далиллар ҳамда ҳужжатлар асосида ҳикоя қилинади. Фильмда рассомнинг ҳаёти даврида олинган кинокадрлардан маҳорат билан фойдаланилган.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6541 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 16.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5